Дин – насиҳатдир

Абу Руқойя Тамим ибн Авс Дорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дин – насиҳатдир”,– дедилар. Биз: «Кимга (насиҳат)?» – деб сўрадик. «Аллоҳга, Унинг китобига, пайғамбарига, мусулмонларнинг имом-бошлиқларига ва ҳаммасига (ҳамма мусулмонларга)»,– дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам амал Аллоҳ таоло фарз қилганидек камчилик ва хиёнатсиз, холис адо этилиши учун динимиз ихлос ва сидққа таянган ҳолда барпо бўлганини хабар бердилар. Саҳобалар: «Насийҳат кимга қилинади?», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Биринчи: Аллоҳ таолога насиҳат – Амални фақат У Зот учун холис қилиш, ширкдан сақланиш, Унинг рубубияти ва улуҳиятига, исм ва сифатларига иймон келтириш, амрларини улуғлаш, одамларни У Зотга иймон келтиришга даъват қилиш. Иккинчи: Аллоҳнинг китоби «Қуръон»га насиҳат – Уни Аллоҳнинг каломи ва охирги китоби эканига иймон келтириш, олдинги шариатларни бекор қилувчи эканини тасдиқлаш, улуғлаш, ҳаққоний тиловат қилиш, муҳкам оятларига амал қилиш, муташобиҳларига иймон келтириш, ботил таъвиллардан ҳимоя қилиш, огоҳлантиришларидан ибрат олиш, илмларини тарқатиш ва одамларни унга даъват қилиш. Учинчи: Расулуллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга насиҳат – У зотнинг охирги пайғамбар эканини тасдиқлаш, олиб келган хабарларига иймон келтириш, амрларига итоат этиш, қайтарган нарсаларидан узоқ туриш, Аллоҳга фақат У зот олиб келган шариат билан ибодат қилиш, У зотнинг ҳақларини улуғлаш, У зотни эъзозлаш, даъватларини ёйиш, шариатларини тарқатиш ва У зотдан ботил айблар ва туҳматларни даф қилиш. Тўртинчи: Мусулмонларнинг имомлари ва раҳбарларига насиҳат – Уларни ҳақ йўлда қўллаб-қувватлаш, уларга қарши исён қилмаслик, Аллоҳга итоат ўрнида уларни эшитиш ва итоат қилиш. Бешинчи: Омма мусулмонларга насиҳат – Уларга яхшилик қилиш, ҳақ йўлга даъват этиш, озор беришдан сақланиш, уларга яхшиликни раво кўриб, улар билан биргаликда яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилиш.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/66516